

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 12 май, № 97 (8440) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 11 май куни ҳудудларда энергия таъминоти ва қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Мамлакатимизда энергия манбаларини кўпайтириш ва улардан тежаб фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Охирги олти йилда 5 минг мегаватдан зиёд янги электр қувватлари яратилган. Жорий йилнинг январь — апрель ойларида қўшимча 726 миллион киловатт-соат электр ишлаб чиқарилган.

Шу билан бирга, бу йил 3 миллиард 400 миллион киловатт-соат электр танқис бўлиши, ёзнинг иссиқ кунларида унга кунлик талаб ҳозирги 195 миллион киловатт-соатдан 255 миллион киловатт-соатга етиши мумкин.

Йиғилишда ушбу талабни қоплаш, электр тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш чоралари муҳокама қилинди.

Мутасаддилар жорий йилда 2 минг мегаватт қувватли қуёш ва шамол электр станцияларини ишга тушириш, корхона, хонадон ва ижтимоий объектларда 1 минг 200 мегаватли қуёш панеллари ўрнатиш юзасидан ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари бу ишлардаги қолоқликларни таҳлиллар асосида кўрсатиб ўтди. Масаланинг ичига кирмаган, сусткашликка йўл қўйган айрим туман ва шаҳар ҳокимларига ҳайфсан берилди.

Бу соҳага рағбат бериш мақсадида Президентнинг "Яшил энергия" сертификатлари тизимини жорий этишга оид қарори имзолангани эълон қилинди. Бунда 1 июлдан гидроэлектростанцияларда ишлаб чиқарилган электр энергияси учун "яшил" сертификат берилади. Ушбу тизим 1 октябрдан бошлаб барча қайта тикланувчи энергия манбаларидан олинган электр учун жорий қилинади.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан барча савдо ва сервис корхоналарига қуёш панеллари учун кредит тўловларининг 4 фоизи қоплаб берилади. Халқаро молия ташкилотларидан 100 миллион доллар жалб қилиниб, аҳоли ва тадбиркорларга мақбул шартларда ажратилади.

Мутасаддиларга ушбу тизимни жорий қилиб, аҳоли ва тадбиркорларни рағбатлантириш, ижтимоий соҳа ва давлат идораларида кичик қуёш панеллари ўрнатиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда электр тармоқларини таъмирлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада Тошкент шаҳрида дастур қабул қилиниб, ишлар бошланган. Ҳозирга қадар 667 километрлик электр тармоғи ва 175 та трансформатор янгиланган.

Вилоят ҳокимларига электр ускуналари ва материаллар захирасини яратиш, бу йилга режалаштирилган таъмирлаш ишларини 1 августгача якунлаш вазифаси қўйилди. Бунинг учун қўшимча бригадалар ташкил этилиб, малакали мутахассислар жалб қилинади.

Электр таъминотида узилишларнинг олдини олиш учун 1 июндан бошлаб иссиқлик электр станцияларига бугунги кунга нисбатан 6 миллион куб метр кўп газ етказиб берилиши белгиланди. Сирдарё вилоятида "ACWA Power" компанияси томонидан қурилаётган электр станциясининг биринчи 500 мегавати ҳам ёзда ишга туширилади.

Шу йил 13 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Бу борада қонунчиликка риоя этилишига масъул Бош прокурор ўринбосари лавозими жорий қилиниб, яхлит назорат тизими яратилди. Бугунги кунга қадар 250 миллиард сўмлик энергия ресурслар ноқонуний ишлатилгани аниқланиб, зарар ундирилган.

Давлатимиз раҳбари бу ишларни давом эттириб, ноқонуний истеъмолга барҳам бериш шартлигини таъкидлади.

Энергияни тежаш, кўмир қазиб чиқаришни кўпайтириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Соҳадаги яна бир муҳим масала — бензин ва дизель ёқилғиси таъминоти. Юртимизга бу маҳсулотларни олиб келишга чекловлар олиб ташланган. Жойларда 1 миллион тонна ёқилғини сақлаш сиғимлари мавжуд. Бундан фойдаланиб ҳар бир ҳудуд бензин ва дизель захирасини шакллантириши кераклиги қайд этилди.

Сўнгги пайтларда электромобиллар оммалашмоқда. Мамлакатимизга шу йилнинг ўзида 5 мингга яқин транспорт олиб келинди. Бунга шароит яратиш учун берилган имтиёзларни қўллаб, жойларда қувватлаш қурилмаларини кўпайтириш зарурлиги айтиб ўтилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ТОВАРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ХИЗМАТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан, умумий овқатланиш ва товарларни етказиб бериш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар фаолияти ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Энг юқори конструктив тезлиги соатига 50 километрдан, иш ҳажми 50 см$^3$ дан ошмайдиган ички ёнув двигателига эга бўлган ёки номинал (белгиланган) қуввати 0,25 киловатдан ортиқ ва 4 киловатдан кам бўлган электр двигателли икки ёки уч ғилдиракли транспорт воситалари, шу жумладан, худди шундай тавсифларга эга бўлган мопед, квадрицикл (квадроцикл), трицикл, скутер ҳамда йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланишга мослаштирилган бошқа механик мосламаларни бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлиши **шартлиги тўғрисидаги талаб 2024 йил 1 январга қадар тўхтатиб турилсин**.

Бунда мазкур бандда кўрсатилган транспорт воситаларида ҳаракатланаётган шахслар **мотошлем кийишлари ва уни қадаб олишлари зарурлиги белгилаб қўйилсин**.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–4742-сон қарорига илованинг 23-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"23. Буюртма асосида товарларни етказиб бериш (юк ташиш бундан мустасно)".

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 11 май

Республика комиссиясида

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — АСОСИЙ МАҚСАД

*Кеча Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштиришга доир Фармон ва қарорларида, шунингдек, 2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурда белгиланган вазифалар ижросининг бориши атрофлича муҳокама қилинди.*

Мажлисни комиссия раиси, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Сенат Раиси мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фаоллигини ошириш, улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, шу жумладан, опа-сингилларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим чоралар кўрилаётганига эътибор қаратди. Айни чоғда 2022 йилда мазкур йўналишдаги ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш мақсадида 27 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингани айтиб ўтилди.

Шулардан бири — "Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонундир. У билан хотин-қизларга нисбатан амалга оширилган турли тазйиқ ва зўравонликлар учун жавобгарлик чоралари кучайтирилди.

Тадбирда ушбу қонун биринчи навбатда кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият томонидан илиқ кутиб олингани ва тўлиқ қўллаб-қувватлангани таъкидланди.

Шуларга мос ҳолда Хотин-қизларнинг давлат органларида фаоллигини ошириш дастури, БМТ Хавфсизлик кенгашининг 1325-сонли "Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик" резолюциясини амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" ва Миллий режа тасдиқланди ҳамда ижрога йўналтирилди.

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, айни пайтда изчиллик билан рўёбга чиқарилмоқда.

➡ 2

## ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАРДАН ХАЛҚ ЮТАДИ

*Шу йилнинг 30 апрель куни мамлакатимиз тарихига яна бир зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйиладиган сана бўлди, десак, айни ҳақиқат. Сабаби ушбу кунда халқимиз ўз бирдамлигини яна бир бор бутун дунёга намоён қилди. Бўлиб ўтган умумхалқ референдумида сайловчиларнинг 85 фоизи иштирок этган бўлса, уларнинг 90,21 фоизи янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ёқлаб овоз берди.*

Муносабат

Галдаги қадам, албатта, қабул қилиниб кучга кирган Бош қомусимизни ҳаётга татбиқ этиш ҳисобланади. Куни кеча эълон қилинган "Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармони эса бу борада дастуриламал бўлиши, шубҳасиз.

Мазкур ҳужжатда Конституциямизда акс этган янги нормаларни амалиётда тўлақонли ўз ифодасини топиш тартиблари баён этилган.

Яна бир асосий мавзу — бу ҳам бўлса, муддатидан илгари Президент сайловини ўтказиш ҳақида. Барчамизга маълумки, янги таҳрирдаги Конституциямизда амалдаги давлат раҳбарининг ўзи ҳам муддатидан илгари Президент сайловини ўтказиш ташаббусига эгалиги мустаҳкамланган. Қолаверса, сайлов қонунчилигида ҳам унинг тартиблари белгиланди. Мазкур ҳуқуқдан фойдаланган ҳолда шу йил 8 май куни давлатимиз раҳбари мамлакатда муддатидан илгари Президент сайлови ўтказилишини эълон қилди.

➡ 2

Таҳлил ва taққос

## ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАККА САРМОЯ КИРИТМОҚДА

***Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари сафига қўшилмоқда. Бу шунчаки орзу ёхуд баландпарвоз гап эмас. Аксинча, яқин истиқболга мўлжалланган стратегик мақсаддир. Тараққиёт эса кучли ва мустаҳкам иқтисодиётга таянади. Фаровон ҳаётнинг асоси шу.***



Айни сабабдан давлатимиз хорижлик ишбилармонларни заминимизга чорламоқда. Киритилаётган сармояларнинг асосий қисми келажакка йўналтириляпти. Бу эртанги кунимизга йўналтирилаётган инвестициядир. Илғор мамлакатларда муваффақиятли синовдан ўтган самарали модель. Шу орқали давлат ўз истиқболини баркамол авлодга ишониб топширишни истайди. Бунинг пишиқ-пухта пойдевори эса ҳозирдан тикланмоқда. Ана шу йўлдаги энг катта имконият ва захира, албатта, ишбилармонликдир!

Сўзимиз исботини жорий йил 27-28 апрель кунлари бўлиб ўтган иккинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми мисолида кўрдик.

➡ 3

## ФИДОЙИ ВА ВАТАНПАРВАР ЁШЛАР – ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентининг янги таркибдаги биринчи таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.*

Тадбир

Унда Қонунчилик палатасининг ёшлар масалалари бўйича комиссияси аъзолари, уч босқичли сайловнинг якуний натижаларига кўра сиёсий партиялар томонидан ғолиб деб топилган 150 нафар ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида ёшларнинг юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиши учун кўплаб имкониятлар, зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Айниқса, йигит-қизларга сифатли таълим бериш, касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Хусусан, янгича шакл ҳамда мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар тизими яратилди. "Ёшлар дафтари" ва ёшлар дастурлари ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. Ушбу эзгу ишлар замирида ёш авлоднинг орзу истакларини рўёбга чиқариш, улар учун зарур шароитлар яратиш каби улкан мақсадлар мужассам.

➡ 2

«Ҳукумат соати»

## ВАЗИР БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги "Ҳукумат соати" бўлиб ўтди. Унда депутатлар "Ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги масалани муҳокама қилдилар.*

Кун тартибидаги масала юзасидан депутатларнинг саволларига камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б. Мусаев жавоб берди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида жами 999,7 минг аҳолининг доимий, вақтинчалик ва мавсумий иш ўринларида бандлиги таъминланди.

Шунингдек, 111,8 минг нафар ишсиз фуқаролар корхона ва ташкилотлардаги мавжуд бўш иш ўринларига ишга жойлаштирилди, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган 10,2 минг нафар эҳтиёжманд фуқаролар иш билан таъминланди. 2023 йилда 15 минг нафар имконияти чекланган ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилди.

➡ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАДИ?

*Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2023 йил биринчи чорагида бажарилиши юзасидан ҳисоботи кенг муҳокама қилинди.*



Ўтган даврда аҳолининг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, таълим сифатини ошириш борасида тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш ва доимий мониторинг олиб бориш юзасидан яхлит тизим яратилди, тегишли тақвим-жадвал тасдиқланди. Давлат дастури бажарилиши ҳар ойда таҳлил қилиниб, топшириқлар ижроси юзасидан ҳафталик мониторинг юритилди, масъулларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш тартиби жорий этилди.

Давлат дастурида белгиланган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ишлаб чиқилишида ҳукумат ва парламент ўртасида яқин ҳамкорликда фаолият олиб борилди. Қонунчилик палатасининг қўмиталари ва ҳукумат томонидан назорат-таҳлил тадбирлари доирасида кўтарилган масалаларни биргаликда ҳал этиш амалиётидан унумли фойдаланилди.

Ҳисобот даврида Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан жами 41 та ҳужжат қабул қилинган. Дастур доирасида амалга оширилган ишлар таҳлили, статистик кўрсаткичлар иқтисодий-ижтимоий соҳадаги ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлаш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида сезиларли натижаларга эришилганлигини кўрсатмоқда.

➡ 2

# ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАДИ?



←1 Қайд этилганидек, ялпи ички маҳсулот ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,5 фоиз ўсган. Давлат бюджети даромадлари 47,3 трлн. сўмга ижро этилган. Аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида Давлат бюджетидан ижтимоий соҳаларга йўналтирилган харажатлар 18,1 трлн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 22,3 фоиз ошган. Ҳисобот даврида жами қиймати 2,55 млрд. долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилган, товарлар ва хизматлар экспорти 3,2 млрд. долларга етган. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 6,2 трлн. сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Шунингдек, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш дастури тасдиқланиб, унинг доирасида сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш бўйича умумий қиймати 37,8 млрд. сўмга тенг 31 та лойиҳа молиялаштирилган.

Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш борасида белгилаб берилган устувор йўналишлар доирасида Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жорий этиладиган ва мақбуллаштириладиган 72 турдаги давлат хизматлари ва сервисларини электрон шаклга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тасдиқланган.

Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш борасида ҳам тизимли ишлар бажарилган. Жумладан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан меҳнат бозорида талаб юқори касб-ҳунарларга ўқитиш мақсадида 78 минг нафар хотин-қизнинг манзилли рўйхати шакллантирилган.

Шунингдек, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини янада ошириш, ҳомиладор аёллар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида 46 та туманлараро перинатал марказларни тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича тегишли шартномалар имзоланган. Хорижий давлатларда меҳнат қилиб қайтган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни реинтеграция қилиш мақсадида 80,2 минг нафарга яқин фуқароларнинг бандлиги таъминланган.

Бундан ташқари, "Ёшлар дафтари"га жами 70 минг 798 нафар ёш киритилиб, уларнинг 24 минг 467 нафарига контракт тўлови, меҳнат қуроллари учун маблағ, муддатли ҳарбий хизмат бадали, ҳайдовчилик курслари, касб-ҳунарга ўқиш ва даволаниш каби ёшлар орасида талаб юқори бўлган йўналишлардаги харажатлар учун 21,9 млрд. сўм берилди.

Мажлисда қайд этилганидек, Давлат дастурида жорий йил биринчи чорагида жами 59 та яхлит ва кичик банднинг ижросини таъминлаш белгиланган бўлиб, шундан 53 тасининг ижроси тўлиқ бажарилган, 6 тасининг ижроси юзасидан ишлаб чиқилган тегишли ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Муҳокамаларга бой бўлган мажлисда депутатлар Давлат дастурининг айрим бандларида белгиланган вазифаларнинг долзарблигидан келиб чиқиб, уларнинг ижроси тўлиқ таъминланиб, аниқ натижаларга эришилмагунига қадар келгуси чоракларда ҳам бу каби бандларни ижродан олиб ташламаслик жоизлигини алоҳида қайд этдилар.

Давлат дастурининг ижросига оид ҳисобот юзасидан ҳар бир сиёсий партия фракцияси ўз нуқтаи назари ва фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**ЎзЛиДеП фракцияси** партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Давлат дастурининг миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратди. Фракция аъзолари рақамли иқтисодиётни асосий драйвер соҳага айлантириш мақсадида "Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш дастури" тасдиқлангани, унга мувофиқ сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш бўйича умумий қиймати 37,8 млрд. сўмга тенг 31 та лойиҳа молиялаштирилганини эътироф этишди. Шунингдек, Давлат дастурининг ҳар бир бандида халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, тадбиркорлар сафини кенгайтиришдек муҳим мақсадлар турганини айтиб, уларнинг ижросини ўз вақтида, сифатли таъминлаш бўйича қатор таклифлар берди.

**ЎзМТДП фракцияси** депутатлари таъкидлаганидек, фракция йиғилишида олий таълим муассасаларининг 6 та таълим муассасасида хорижий экспертлар иштирокида ички ва ташқи таълим сифатини таъминлаш амалиётини жорий этиш, профессионал таълим ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар борасида белгиланган вазифалар ижроси атрофлича кўриб чиқилди. Шундан келиб чиқиб, фракция таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, педагог ва тарбиячилар тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш, жараёнга янги ёндашувларни жорий қилиш юзасидан таклифлар беришди.

**"Адолат" СДП фракцияси** аъзолари коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш чоралари кўрилаётганини эътироф этиб, амалиётда бу борада ҳали-ҳануз айрим муаммолар, хусусан, инсон омили сақланиб қолаётганлиги, шу боис айрим соҳаларда коррупцияни келтириб чиқарувчи ҳолатларнинг олдини олиш, адвокатура институти жозибадорлигини янада ошириш орқали соҳага ёш кадрларни жалб этишнинг самарали тизимини яратиш, адвокатурага ишга қабул қилиш тартибини янада соддалаштириш бўйича олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

**ЎзХДП фракцияси** вакиллари таъкидлаганидек, Давлат дастурининг ижросида партия электорати учун муҳим аҳамиятга эга бўлган — адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш йўналишларида эътирофга лойиқ ишлар амалга оширилган. Шу билан бирга, фракция Ҳукумат келгусида ишсиз ва иш қидираётган шахсларнинг 160 минг нафарини талабгор касбларга ўқитиш ҳамда улардан камида 5 минг нафарининг касбий малака даражасини тасдиқлаш ва уларга малака паспортларини тақдим этиш, реабилитация марказларида ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация чоралари билан қамраб олиш кўламини 5 баравар ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайди.

**Ўзбекистон Экологик партияси** фракция аъзолари "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида баҳорги кўчат экиш мавсумида 127,7 млн. дона кўчат ва қаламчалар экилганини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида ирригация-мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда суғориш қудуқларини ўрнатиш орқали республика бўйича жами 1983 гектар ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилганлигини эътироф этиб, жорий йилда белгиланган режани ўз муддатида амалга ошириш лозимлигига урғу беришди. Шунингдек, Оролбўйи ҳудудини экологик жиҳатдан тиклаш ишларини кенгайтириш, олис ҳудудларидаги аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, маиший чиқиндиларни йиғиш ва уни қайта ишлаш тадбирларини ўз муддатида, сифатли ижросини таъминлаш борасида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Савол-жавобларга бой бўлган мажлисда депутатлар жорий йилнинг иккинчи чорагида Давлат дастурининг ижроси устидан тизимли равишда мониторинг ўрнатиш, парламент назоратининг шаклларидан унумли фойдаланиш лозимлигини қайд этдилар. Бундан ташқари, аҳоли фаровонлигини янада яхшилаш борасидаги тадбирларнинг самарали амалга оширилиши зарурлиги таъкидланди. Мазкур масалалар юзасидан ҳам депутатларнинг Ҳукуматга таклиф ва тавсиялари берилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастури ижроси юзасидан тақдим этган ҳисоботи маъқулланиб, Ҳукуматнинг тегишли фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар акс этган тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ – АСОСИЙ МАҚСАД

←1 Хотин-қизларнинг таълим олишлари асосий устувор йўналишлардан бири этиб белгиланди ва махсус тавсиянома асосида эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 1 минг 982 нафари, беш йил меҳнат стажига эга, аммо олий маълумоти бўлмаган хотин-қизларнинг 507 нафари олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида талабаликка қабул қилинди.

Шунингдек, магистратура босқичида таълим олаётган 12 минг 300 нафар, бакалавр йўналишида ўқиётган кам таъминланган эҳтиёжманд 2 минг 53 нафар хотин-қизнинг контракт тўловлари тўлаб берилди, 139 мингдан зиёд талаба хотин-қизларга 7 йил муддатга фоизсиз таълим кредити ажратилди.

Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка ўқитиш ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, 252 мингдан зиёд аёллар касб-ҳунар ва тадбиркорлик бўйича таълим олган бўлса, 623 мингдан кўпроғининг бандлиги таъминланди, 193 минг нафардан ортиқ аёлларга эса 3,9 трлн. сўм кредит ажратилди. Қолаверса, 3 млн. 336 мингдан зиёд опа-сингилларимиз бирламчи онкоскрининг текширувидан, 1 млн. 13 минг нафарга яқин онахонлар эса чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди ва уларга зарур тиббий ёрдам кўрсатилди.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган 645 мингга яқин хотин-қизлар билан индивидуал дастур асосида ишланди ҳамда муаммоларини ҳал этиш чоралари кўрилди, 12,9 мингга яқин хотин-қизларнинг уй-жой шароитлари яхшиланди, ижтимоий ҳимояга муҳтож 6 минг 876 нафар хотин-қиз жами 7,3 мрлд. сўмлик реабилитация воситалари билан таъминланди.

Бошқа давлатларга чиқиб кетган 121,7 минг аёллар ва уларнинг 25,9 минг вояга етмаган фарзандларининг аниқ манзилли рўйхатлари шакллантирилди. 6 минг 96 болага васийлик ва ҳомийлик ўрнатилди ҳамда 11 минг 683 бола назоратсиз қолишининг олдини олиш чоралари кўрилди.

Ўз навбатида, мажлисда Республика комиссияси томонидан келгусида амалга ошириладиган вазифалар атрофлича кўриб чиқилди.

Хусусан, корхона, ташкилот ва муассасаларда гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат кенгашларини тузиш, хотин-қизларни касбга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, меҳнат жойларида аёллар учун қулай ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, ҳудудларнинг ўсиш драйверларидан келиб чиқиб, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш масалалари чуқур таҳлилдан ўтказилди.

**«Халқ сўзи».**

# МАҲАЛЛАЛАР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ЎРГАНИЛДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Г. Маъруфова ҳамда Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор М. Салимова халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ҳамкорлигида Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги биносида очиқ мулоқот ўтказди.*

## Сенатор ва ҳаёт

Туман ҳокимлиги масъуллари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида ўтказилган суҳбат давомида аҳоли тураржойлари, савдо, маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, ташкилот ва корхоналарга қуёш панеллари ўрнатиш юзасидан тавсиялар билдирилди. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллалар инфратузилмасини тубдан яхшилаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ҳамда парламент назоратини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, сенаторлар тумандаги маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганди. Хусусан, тумандаги Марҳамат маҳалласида "Нуронийлар чойхонаси" ҳамда "Янги умид" МФЙдаги замонавий спорт-соғломлаштириш марказида олиб борилаётган қурилиш ишларининг ҳолати билан танишилди.

Айни шу йўналишдаги ишлар билан танишиш мақсадида Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Р. Алимов ва мазкур қўмита аъзоси А. Тўйчиев Миробод туманида бўлиб, туман ҳокими ўринбосарлари, депутатлар ва маҳалла раислари билан учрашди.

Унда Миробод туманида 178 та аҳоли хонадонларига қуёш панелларини ўрнатиш орқали қўшимча 0,8 МВт электр энергияси ишлаб чиқариш имкони мавжудлиги айтилди. Айни чоғда сенаторлар "Толариқ" МФЙ ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳалар билан ҳам танишдилар.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган масалалар доирасида Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Д. Тошмуҳамедова Олмазор туманида ҳоким ўринбосарлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан учрашиб, ҳудудда олиб борилаётган ишлар, уларда вакиллик органларининг тутган ўрни, жамоатчилик назорати борасидаги ҳолат юзасидан мулоқот ўтказилди.

# ВАЗИР БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРДИ

←1 Мазкур дастур асосида ўтган тўрт ой давомида 5,0 минг нафар имконияти чекланган ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашилди.

Бундан ташқари, аҳолини вақтинчалик ишларда даромад манбаи билан таъминлаш мақсадида 7,3 минг корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда 38,8 минг аҳоли ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди ва уларга иш ҳақи учун 40,9 млрд. сўм маблағ молиялаштириб берилди.

"Ҳукумат соати"да депутатлар иш қидираётган ва ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан қизиқди.

Б. Мусаевнинг қайд этишича, меҳнат бозори конъюнктураси таҳлил қилиниб, талаб юқори бўлган 71 турдаги касб бўйича 160 минг нафардан ортиқ ишчи касб эгаларига бўлган жорий ва яқин истиқболдаги эҳтиёж белгилаб олинди. 2023 йил январь-апрель ойларида 46,4 минг нафар ишсиз фуқаролар меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарга тайёрлаш ва малакасини ошириш учун юборилди. Шу кунга қадар уларнинг 10,3 минг нафари ўқишни тамомлади.

Шу билан бирга, касб-ҳунарга ўқитилганлар таркибида 34,4 минг нафари саноат ва хизмат кўрсатиш, 4,6 минг нафари қурилиш, 900 нафари агротехнологиялар, 1,9 минг нафари IT соҳаси касблари ва 4 минг нафари "Уста — шогирд" анъанаси асосида ҳунармандчилик касбларига ўқишга жалб этилди.

Таъкидланганидек, "Ишга марҳамат" мономарказлари ва касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш учун хорижий ўқитувчиларни жалб этиш мақсадида Тошкент шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказида "Ўқув-маслаҳат офиси" фаолияти ташкил этилди.

Шунингдек, жорий йилда вазирлик ҳузуридаги касб-ҳунарга ўқитиш марказлари негизида 15 та "Ишга марҳамат" мономаркази, олис маҳаллаларда 250 та касб-ҳунар маскани ташкил этилиши кўзда тутилган.

Депутатлар соҳада олиб борилаётган ишларни эътироф этиб, хотин-қизлар ва меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан саволлар беришди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири таъкидлаганидек, жорий йилнинг ўтган даврида "Аёллар дафтари"га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож 163,4 минг нафар ишсиз хотин-қизларнинг бандлигига кўмаклашилди, ўзини ўзи банд қилиш фаолият йўналишларида 10,9 минг нафар хотин-қиз ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилди.

Шу билан бирга, 2023 йилда меҳнат бозорига 734,9 минг нафар битирувчи кириб келади. Шундан умумий ўрта мактабни битирганлар 383,1 минг, касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумларни битирганлар 194,3 минг, олий таълим муассасалари битирувчилари 157,5 минг нафарни ташкил этади.

Таҳлиллар 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг 110 мингга яқини иқтисодиётнинг расмий секторида ўқишдан ташқари иш билан банд бўлганларни ташкил этишини кўрсатмоқда. Таҳсил олаётган талабаларнинг 64,5 минг нафари давлат секторида, 42,1 минг нафари хусусий секторда ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Савол-жавобларга бой бўлган "Ҳукумат соати"да депутатлар мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда соҳа истиқболига қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар беришди.

Муҳокамалар сўнгида кун тартибидаги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАРДАН ХАЛҚ ЮТАДИ

←1 Айтиш жоизки, айни ҳолатни демократик қадам дейишимизга тўла асослар мавжуд. Аввало, қонунчилик, янги таҳрирдаги Конституция ҳам, амалдаги давлат раҳбарига 2026 йилгача президентликни давом эттириб, кейин яна сайловларда иштирок этиши учун монелик қилмайди. Аммо Юртбошимизнинг ҳали яна 3,5 йиллик ваколат муддати бўла туриб, ўз ташаббуси билан ундан воз кечиши Президентнинг халқ ва давлат манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиб, халқимизга бўлган юксак ҳурматини кўрсатди.

Шу билан бирга, эътибор берилса янгиланган Конституцияда парламент, Президент ва ҳукуматнинг ваколатларида сезиларли ўзгаришлар бўлганини кўрамиз. Бу эса, ўз навбатида, давлат ҳокимияти органлари янгича конституциявий муҳит ва шароитда фаолият олиб боришини тақозо этади.

Қолаверса, бўлажак сайлов сиёсий партиялар учун ҳам яхшигина имконият. Яъни бу жараён сиёсий партиялар ва улар кўрсатган номзодлар ўзининг дастурий ғояларини кенг аҳоли қатламига тақдим этиш, халқни қийнаётган масалалар бўйича ўз ечимларини таклиф этиш орқали тарафдорларини кўпайтириш фурсати ҳамдир. Бундан ташқари, сайловолди учрашувлар жараёнида ҳудудлардаги муаммолар ечими тезлашади, фаолиятни ҳам янгича ташкил этиш имконини беради.

Қисқача айтганда, демократик сайловларда партия эмас, аслида халқ ютади! Ўтган сайловлар ва референдум натижалари халқимизнинг сиёсий маданияти ошганлигини кўрсатмоқда. Демак, янги Президент сайловига ҳам халқимиз тайёр.

**Фирдавс ШАРИПОВ,**
**Олий Мажлис**
**Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЯНГИ МЕТАЛЛ ЭРИТИШ ПЕЧИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

*Навоий машинасозлик заводи — "Навоий кон-металлургия комбинати" (НКМК) АЖ таркибидаги корхоналардан бири. У нафақат НКМК, балки республикамизнинг қатор саноат қувватларининг барқарор фаолиятини таъминловчи йирик ишлаб чиқариш субъектларидан ҳисобланади.*



## Жараён

Бугунги кунда завод цехларида 14,7 минг турдаги маҳаллийлаштирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур жараёнда корхонанинг қуймачилик цехи муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг фаолияти барқарорлиги НКМК ишлаб чиқариш қувватларида иш узлуксизлигини таъминлабгина қолмай, янги-янги лойиҳаларга йўл очмоқда. Шу боис Навоий кон-металлургия комбинати бўлинмаларида фойдаланиладиган шарли тегирмонлар ва кон-шахта ускуналари учун қуймачилик цехида қуйма маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида кенг кўламли амалий ҳаракатлар оширилмоқда.

Жумладан, жорий йил февраль ойида мазкур цехда 25 тонналик янги замонавий печь ишга туширилиб, ишлаб чиқариш жараёнларига мослаштириш тадбирлари олиб борилди. У учун зарур қолиплаш ускунаси бевосита заводда тайёрланди. Янги печнинг ишга туширилиши қуймачилик цехи ишлаб чиқариш қувватини 30 фоиз ошириб, йилига 40 минг тоннага етказиш асносида яна 53 та янги иш жойи яратиш имконини берди. Шу билан бирга, металл эритиш сифати халқаро андозаларга тенглаштирилди. Барча технологик жараёнлар тўлиқ автоматлаштирилди.

Айни чоғда цехнинг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ишлари давом эттириляпти. Чунончи, рангли қуйма участкасида амалдаги 6 тонналик металл эритиш печи технологик жараёнларни рақамлаштириш эвазига модернизация қилинди. У ишга туширилиши билан корхона пўлат ва чўяндан кичик ҳамда ўрта ўлчамдаги қуймаларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятига эга бўлди. Эътиборлиси, ушбу лойиҳанинг татбиқ этилиши қўшимча 18 та иш ўрнини яратиш имконини берди.

Печни ишга туширишга бағишланган тадбирда "Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ раҳбарияти, корхона ишчи-ходимлари ва меҳнат фахрийлари қатнашди.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР НАЗОРАТДА

*Хабарингиз бор, Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги "2022 — 2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида юртимиз маҳаллаларидаги объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари изчиллик билан давом эттирилмоқда.*

Айтиш жоизки, бу борадаги ишларнинг бориши сенаторлар томонидан доимий назоратга олинган. Яъни ҳудудларда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижросини назорат қилиб бориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида Сенат аъзолари жойларга чиқиб ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси, газ таъминотини яхшилаш, ижтимоий соҳа объектларини таъмирлашга йўналтирилган лойиҳалар ижросини мунтазам ўрганиб келмоқда. Бу жараёнларга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ҳамда лойиҳалар ижросига масъул идора ва ташкилотлар вакиллари ҳам жалб этилган.

Президент қарорига асосан Янги Чоштепа маҳалласидан Тошкент ҳалқа автомобиль йўлига чиқишда пиёдалар учун ер усти ўтиш йўлагини қуриш ишлари олиб борилаётир. Яқинда сенаторлар М. Салимова, Г. Маъруфова туман Кенгаши депутатлари билан биргаликда ушбу объектда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Маълум бўлишича, айни пайтда қурилиш ишлари 45 фоиз бажарилган. Пиёдалар учун ер усти ўтиш йўлаги фойдаланишга топширилгач у ушбу ҳудудда истиқомат қиладиган фуқароларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилади.

**«Халқ сўзи».**

# ФИДОЙИ ВА ВАТАНПАРВАР ЁШЛАР – ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

←1 Шу йил 30 апрель куни мамлакатимиз тарихида умумхалқ референдуми орқали илк бор қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам оила, болалар ва ёшлар учун алоҳида боб ажратилгани Ўзбекистоннинг ривожланишидаги янги босқичида ёшлар алоҳида ўрин тутишидан далолат беради.

Ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш — давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида мустаҳкамлангани эътиборга молик. Зеро, Конституциядан ўрин олган янги нормалар ёшларнинг ўз олдига қўйган мақсадларига етишида, уларнинг келажаги учун мустаҳкам замин ҳозирлашга хизмат қилади.

Йигит-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва уларни қонун ижодкорлиги жараёнига кенг жалб қилиш мақсадида 2020 йилда парламентнинг ҳар икки палатасида ҳам Ёшлар парламенти ташкил этилиб, уларга ҳар томонлама фаол ва ташаббускор ёшлар сайланган эди.

Ўтган давр мобайнида ушбу тузилма ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини юксалтириш, уларни қонун ижодкорлиги жараёнига жалб этиш, янги қабул қилинган қонунларни ёшлар орасида тарғиб қилиш орқали йигит-қизларнинг жамият ҳаётига дахлдорлигини кучайтиришга хизмат қиладиган муҳим институт сифатида шаклланди. Энг муҳими, мамлакатимизнинг парламентаризми соҳасида ўз ўрнини топди ва том маънода, парламент ва ёшлар ўртасида кўприк вазифасини ўтамоқда.

Ёшлар парламенти аъзолиги учун ўтган навбатдаги сайлов ҳам эркин рақобат муҳитида ҳамда ҳалоллик тамойили асосида, сиёсий партиялар ўртасидаги қизғин тортишув ва баҳс-мунозаралар шароитида кечди. Натижада турли йўналишларда Ватанга садоқат билан ишлаётган, таълим олаётган, ташаббускор, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга, кенг дунёқараш ва чуқур билим ҳамда лидерлик салоҳиятига эга ўғил-қизлар ушбу тузилмадан жой олди.

Йиғилишда сўз олганлар Ёшлар парламентининг аввалги чақириқдаги аъзолари фаолиятини ижобий баҳолашди. Жумладан, улар томонидан Қонунчилик палатаси кўриб чиқишида бўлган қонун лойиҳалари юзасидан жами 97 та таклиф тайёрлангани, шундан 34 таси қонун лойиҳаларини такомиллаштириш жараёнида инобатга олингани алоҳида қайд этилди.

Ўтган чақириқ давомида ёшлар сиёсати юзасидан қатор ҳокимлик ва вазирлик, идоралар мутасаддиларининг ахборотлари эшитилиб, республика миқёсида жами 138 та ўрганиш тадбирлари амалга оширилгани ҳам мамнуният билан тилга олинди.

Шу билан бирга, юртимизда амалга оширилган ғоят муҳим сиёсий тадбир — конституциявий ислоҳотнинг барча босқичида Ёшлар парламенти аъзолари фаол иштирок этиб, янгиланган Конституция лойиҳасига бир қатор таклифлар берди.

Биринчи таъсис йиғилишида янги чақириқдаги Ёшлар парламенти ўз фаолиятини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳаётида бўлаётган ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда янада такомиллаштириб бориши, интилувчан, фидойи, ватанпарвар ёшларимизнинг сиёсий фаоллигини таъминлашга хизмат қиладиган платформага айланиши лозимлиги таъкидланди.

Янги таркиб олдида ёш авлод манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг муаммоларини парламентда муҳокама қилиш, ёшларнинг қонун ижодкорлигида иштирокини таъминлаш, бўлажак депутатлар, Сенат аъзолари, сиёсатшуносларни тайёрлаш ва ўз мақсадлари ва лойиҳаларини амалга ошириш каби юксак вазифалар тургани уқтирилди.

Бу йилги "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" Давлат дастурида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ёшларимизнинг баркамол шахс бўлиб вояга етишларини таъминлашга қаратилган кўплаб устувор вазифалар ва мақсадлар белгилангани, уларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилишида Ёшлар парламентининг ўз ўрни бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Йиғилиш якунида Ёшлар парламенти аъзоларига сиёсий ва ҳуқуқий соҳада эгаллаган билим ҳамда кўникмалари, ҳаётий позицияларини аниқ белгилаб, парламентимизнинг келажакдаги чинакам ворисига айланишига ишонч билдирилди.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАККА САРМОЯ КИРИТМОҚДА




← 1

## Истиқболли келишувлар платформаси

АҚШ, Буюк Британия, Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Миср... Булар — дунёнинг қудратли мамлакатлари. Жануби-Шарқий Осиё, Европа Иттифоқи, Яқин Шарқ, Ҳамдўстликнинг бошқа қатор давлатларидан ҳам ўрнак оладиган жиҳатларимиз кўп. Пойтахтда шундай илғор ўлкалардан 2,5 мингдан зиёд йирик инвестор ва юқори мартабали меҳмонларнинг жам бўлиши катта воқелик. Муҳими, қўйилган қадам тўғри ва оқилона. Эзгу ташаббус ўзини оқламоқда. Чунки ўтган йили Тошкент мезбонлик қилган илк форумда 56 та давлатдан 1500 нафардан ортиқ вакиллар қатнашганди. Бу йил эса меҳмон мамлакатлар қамрови ҳам, иштирокчилар сони ҳам анчайин ошган.

Қувонарлиси, мазкур халқаро анжуман иқтисодиётимиз учун зарур бўлган истиқболли лойиҳаларнинг тақдимот платформаси бўлиб хизмат қилди.

Аввало, хорижлик сармоядорлар юртимиздаги имкониятлар, яратилган қулай инвестициявий муҳит ва жозибадор йўналишлар билан яқиндан танишди. Икки кун давомида қишлоқ хўжалиги, қурилиш, “яшил” технология, тўқимачилик, чарм ва ипак саноати, банк, молия, кимё технологияси, рақамлаштириш каби турли йўналишларни қамраб олган 30 га яқин мунозара, давра суҳбати ва учрашувларда иштирок этди.

Пировардида якуний натижалар ҳам ўтган йилги форумникидан юқори бўлди. Яъни аввалги йилги мазкур халқаро анжуман доирасида жами 7,8 миллиард АҚШ долларилик 105 та ҳужжат имзоланган бўлса, бу йил 11 миллиард долларга тенг 164 та келишув ва шартномаларга қўл қўйилди.

Бинобарин, ҳамкорлик битимлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, ҳар бир лойиҳанинг ижрочиси ҳамда бажарилиш муддати аниқ белгилаб берилди.

## Инвесторлар учун кенг имкониятлар

Бу халқаро форумнинг бош ташаббускори — Президентимиз. Давлат раҳбарининг бевосита мазкур анжуманга ташриф буюриб, нутқ сўзлашини хорижий сармоядорлар республикада олиб борилаётган инвестициявий сиёсатнинг очиқлиги кафолати сифатида қабул қилди. Чунки бу чиқишда мамлакатнинг савдо-иқтисодий ва инвестициявий имкониятлари бор бўй-басти билан, ойдин ва ошкора кўрсатиб берилди. Жумладан, Ўзбекистонда рўёбга чиқарилаётган турли инвестициявий лойиҳаларнинг шаффофлиги ва мазкур йўналишда бюрократик йўллардан қочилаётгани чет эллик ишбилармонларда юртимизга келиб бизнес қилиш истагини ошираётгани, шубҳасиз.

Негаки, бугун глобал дунёда ўзаро ишончга асосланган муносабатларга путур етаётир. Шундай мураккаб шароитда четдан сармоя жалб қилиш осон эмас. Бунинг учун, аввало, инвесторларга маъқул келадиган ислоҳотларни амалга ошириш керак. Ўзбекистон айни шу йўлда дадил қадамлар ташламоқда.

Биринчи форумдан кейин ўтган бир йил ичида давлатимиз иқтисодиётини янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиш, бу борада қонун устуворлиги ҳамда ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича тизимли ислоҳотларни янгича шиддат ва суръатда давом эттирди.

Жумладан, минтақамизда энг қулай фискал тизимни яратиш юзасидан катта одимлар ташланди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 12 фоизга туширилди. Шунингдек, ҚҚСни экспортчи корхоналарга 7 кун ичида қайтариш механизми жорий қилингани, солиқ ва божхонада ўзаро ҳисобга олиш йўлга қўйилгани тадбиркорларга алоҳида енгиллик берди.

Бундан ташқари, хорижий инвесторларнинг ўз акцияларидан оладиган дивидендлари уч йил муддатга солиқдан озод қилинди, улар учун фойда солиғи 20 фоиздан 12 фоизга туширилди. Муҳими, солиқ ва божхона қонунларига янги ёки оғирлаштирувчи жавобгарлик чоралари киритилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

## Қандай имтиёзлар бор?

Сармоядор учун мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини баҳолаш, унинг имкониятларини ҳисобга олиш муҳим масала. Шу сабабли бугун юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини мунтазам равишда яхшилаб бориш устувор вазифага айланган. Бунда давлатнинг асосий вазифаси капитал жалб қилиш учун мақбул инвестиция муҳитини яратиб, унинг жозибадорлигини ошириш билан изоҳланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу боис сармоя, бу — соҳанинг драйвери, содда қилиб айтганда, юраги, деб эътироф этилади. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал қилиш имконини беради.

Глобаллашув жараёнида сармоядорлар таваккалчиликка асосланиб иш тутмайди. Улар бошқа давлатда ўз бизнесини очишдан, яъни пул тикишдан аввал барча омилларни пухта ўрганади. Масалан, маблағ киритилаётган мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасидаги географик жойлашуви, табиий ресурсларининг таркиби ҳамда захираси, ҳукумат олиб бораётган инвестиция сиёсатининг афзалликлари, кафолатлари уларни қизиқтиради.

Президентимиз томонидан 2018 йил 1 августда имзоланган “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон мазкур йўналишдаги муҳим ислоҳотлар ижросига қаратилган. Ушбу ҳужжатга кўра, юртимизга сармоя киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик уч йиллик виза олиш ҳамда унинг амал қилиш муддатини республикамиз ҳудудидан чиқиш заруратисиз чекланмаган миқдорда узайтириш ҳуқуқи берилди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улушининг энг кам миқдори 30 фоиздан 15 фоизгача камайтирилди. Хориждан киритиладиган сармоя асосида ташкил этиладиган корхонанинг иштирокчиси сифатида чет эллик юридик шахс қатнашиши шартлиги тўғрисидаги талаб ҳам бекор қилинди. Бундай корхоналар устав фондининг энг кам миқдори 600 миллион сўмдан (камида 76 минг доллар) 400 миллион сўмгача (50 минг долларга) камайтирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги мамлакат иқтисодиётининг устувор соҳаларига катта миқдорда сармоя киритган чет эл фуқароларига “Фахрий фуқаро” мақомини бериш тартибини жорий этиш бўйича таклифлар киритадиган бўлди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ижарага бериш, кўчмас мулк объектларини (меҳмонхоналар, савдо объектлари, маданий-кўнгилочар мажмуалар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим ҳамда тиббиёт ташкилотлари, йўл инфратузилмаси ва бошқалар) қуриш учун ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини аукцион орқали сотиш тартиби белгиланди.

Бундан ташқари, “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топган юртимизда инвесторлар учун солиқ юкини пасайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган сиёсат ҳамда солиқ-тариф бошқаруви ислоҳотлари жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда тўпланган бой тажрибалар, амалга оширилган ислоҳотлар, қабул қилинган қарорлар ва чора-тадбирларнинг туб моҳиятини ўрганиш, ютуқ ҳамда камчиликларини илмий жиҳатдан танқидий таҳлил қилиш миллий иқтисодиётимиз тараққиёти учун ҳар томонлама дастак вазифасини ўтаяпти.

Бироқ халқаро майдонда замонавий тенденциялар йилдан-йилга такомиллашиб, ўзгариб бормоқда. Инвестицияларни жалб этиш, уларни экспорт ва импорт қилиш, сармоядорлар манфаатларини ҳимоялаш билан боғлиқ масалалар шулар жумласидан. Қолаверса, жаҳонда чет эл капиталини жалб этиш бўйича мамлакатлараро кескин кураш кетмоқда.

Ривожланган мамлакатларда инвестициявий муҳит жозибадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган инновацион инструментларнинг турли кўринишлари яратилаётир.

Ўзбекистон ана шундай давлатлар билан ҳамқадам бўлишга интиляпти. Хорижий сармоядорларга турли молиявий имтиёзлар ва ҳуқуқлар берилиб, бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда. Бу ҳақда сўз кетганда, аввало, мамлакатнинг Ҳаракатлар стратегияси, сўнгра Тараққиёт стратегияси қабул қилиниб, уларнинг доирасида кенг кўламли демократик ислоҳотларни амалга ошириш йўли танланганини таъкидламоқчиман.

Ушбу янгиланиш дастурлари давлатимиз ва жамиятимизнинг барча соҳасини қамраб олиб, қонун устуворлигини таъминлаш, рақобатни ривожлантириш, коррупцияга қарши кескин кураш олиб бориш каби муҳим йўналишларни ўзида мужассам этган.

Хусусан, 2017 йилда миллий валютамиз — сўмнинг эркин конвертацияси жорий қилиниб, хорижий инвесторлар томонидан фойдани репатриация қилиш билан боғлиқ барча чекловлар олиб ташланди. Банк ва йирик корхоналаримиз илк бор халқаро рейтингларни қўлга киритиб, жаҳон молия бозорларига чиқди. Дунё микёсида миллий валютамизда ҳам халқаро облигациялар чиқарилди. Шу билан бирга, банк-молия соҳасидаги ислоҳотлар тизимли равишда давом эттирилмоқда.

## Минтақадаги энг очиқ давлат

Инвестициялар оқими мамлакатнинг очиқлигига ҳам боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда 90 та хорижий давлат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш имконияти яратилди. Яна 60 га яқин мамлакат фуқаролари эса енгиллаштирилган тартибда виза оладиган бўлди. Шу аснода мазкур кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон минтақадаги энг очиқ давлат мақомини қўлга киритди.

Яна бир муҳим омил: инвесторлар коррупция кенг илдиз отган давлатга боришни хоҳламайди. Мамлакатимизда мазкур иллатга қарши курашиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Бу борадаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш мақсадида алоҳида Агентлик ташкил этилди.

Юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ҳам энг муҳим вазифа сифатида белгиланди. Уч йил аввал Инсон ҳуқуқлари миллий стратегияси қабул қилинди ва илк бор мамлакатимиз БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланди.

Ўзбекистонни қонун ва адолат мустаҳкам қарор топган демократик давлатга айлантириш, мустақил ва кучли суд-ҳуқуқ тизимини шакллантириш энг олий мақсадлардан бири сифатида кун тартибига қўйилди. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Оммавий ахборот воситаларини чинакам “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш, давлат идораларининг жамият олдидаги ҳисобдорлигини ошириш борасида сезиларли натижаларга эришилаётгани эътиборга молик.

Хуллас, инсоннинг энг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш учун Конституциямизнинг янги таҳрири қабул қилинди. Унда кўп йиллар давомида мамлакатимизнинг турли “қора рўйхат”ларга киритилиши учун сабаб бўлган мажбурий меҳнат, жумладан, болалар меҳнатига тўлиқ барҳам берилгани муҳрлаб қўйилди. Бунинг эътирофи сифатида халқаро Нодавлат нотижорат ташкилотлари коалицияси — “Cotton Campaign” ҳамда жаҳондаги машҳур брендлар томонидан Ўзбекистон пахтаси ва тўқимачилик маҳсулотларига нисбатан илгари ўрнатилган бойкот бекор қилингани, мамлакатимиз билан яна ҳамкорлик алоқалари ўрнатилаётганини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

## Солиқ сиёсатидаги янгиланишлар

Солиқ сиёсати ҳам бизнес соҳасини рағбатлантиришга хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда солиқларнинг умумий сони 13 тадан 9 тага туширилди. Мол-мулк, шахсий даромад ва ижтимоий солиқ ставкалари икки баробар пасайтирилди. Шу билан бирга, импорт бўйича 6 мингга яқин бож ставкалари ҳам камайтирилди. Шунингдек, ўтган 6 йил ичида 200 га яқин лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди ёки соддалаштирилди. Тадбиркорлик субъектлари зиммасидаги солиқ юкини янада камайтириш ҳамда солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни айтмаса ҳам бўлади. Бундай янгиланишлар натижасида Ўзбекистоннинг минтақадаги иқтисодиёти энг юқори диверсификация қилинган мамлакат сифатидаги мақоми янада мустаҳкамланди.

Бир йилнинг ўзида 100 мингга яқин янги корхоналар ташкил қилинди, киритилган хорижий сармояларнинг йиллик ҳажми 10 миллиард долларга етди ёки ислоҳотлар бошланган 2017 йилдагига нисбатан 3 баробар ошди, 1 миллионга яқин аҳоли камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга туширилди. Ваҳоланки, ислоҳотлар бошланган даврда мазкур кўрсаткич 30 фоиздан юқори эди.

Ўзбекистонда “ягона дарча” тамойили асосида хорижий сармоядорлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилди. Натижада иқтисодиётимизга жалб қилинган йиллик хорижий инвестициялар ҳажми 3,5 баробар ошиб, охирги 5 йилда уларнинг умумий қиймати 25 миллиард долларни ташкил этди. Бунинг ҳисобидан 59 мингта инвестиция лойиҳаси амалга оширилгани мамлакатимизда 2,5 миллиондан ортиқ янги иш ўринларини яратишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Шунингдек, тўқимачилик, чарм-пойабзал, фармацевтика, электротехника, кимё ва нефть-кимё, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати ва бошқа кўплаб соҳалардаги қайта ишлаш даражаси сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқилди ҳамда экспортнинг йиллик ҳажми салкам 20 миллиард долларга етди. Олтин-валюта захиралари эса 27 миллиард доллардан 35 миллиард долларга кўпайди.



Энг катта ва муҳим ютуқ эса Ўзбекистондаги янгиланишларнинг ортга қайтмайдиган муқаррар тус олганидир. Эътиборлиси, Тараққиёт стратегияси мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти ва инсон капиталини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини янада рағбатлантириш, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий мулк дахлсизлиги ва гендер тенгликни таъминлаш каби муҳим вазифаларга қаратилгани билан ажралиб туради.

## 2030 йилда Ўзбекистон қайси ўринда бўлади?

“Инсон қадри учун” ғоясини ҳаётга татбиқ этишга доир стратегия, пировардида, мамлакатимизда иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлашга, кенг кўламли маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда рақамлаштиришни жорий этиш орқали бизнес учун янада қулай шароит яратишга, давлат бошқаруви тизимининг натижадорлигини ошириш йўли билан ишбилармон ҳамда тадбиркорларга кўмак берадиган, ихчам ва юқори самарали ҳукумат тизимини ташкил этишга хизмат қилади.

Бу йўлда мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва улушини кескин қисқартиришга, сармоядорларни кенг жалб этишга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, халқаро молия институтлари ва хорижий консалтинг компаниялари кўмагида давлат активларини хусусийлаштириш орқали 2026 йилга қадар эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат корхоналарини хусусийлаштириш ҳисобидан 25 дан ортиқ фаолият турлари бўйича монополияларни тугатиш, тижорат банкларида трансформация жараёнларини давом эттириб, банк активларида хусусий секторнинг улушини 60 фоизга етказиш, давлат иштирокидаги корхоналар сонини камида 3 баробар қисқартириш режалаштирилган.

Мамлакатимизда хорижий инвесторлар билан биргаликда давлат-хусусий шериклик механизмини жорий этган ҳолда, энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, инфратузилмани ривожлантириш ва йўл қурилиши соҳаларида умумий қиймати 15 миллиард долларлик 200 дан ортиқ лойиҳаларни амалга ошириш мақсади илгари сурилган.

Ўзбекистон жаҳон бозорларига катта миқдордаги маҳсулотлар чиқаришни мақсад қилган. Бунда мамлакатимизнинг яқин йилларда Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирнинг ўзида республикамизда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эркин савдо орқали 280 миллион истеъмолчиси бўлган минтақавий бозорларга чиқяпти. Бинобарин, Европа Иттифоқининг кенгайтирилган преференциялар тизими “GSP +” доирасида Ўзбекистондан 6 мингдан ортиқ маҳсулот турларини Европа бозорига имтиёзли шартларда экспорт қилиш йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, миллий экспортчиларимизга қўшимча имкониятлар яратиш учун айни вақтда Ҳиндистон, Туркия, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар билан имтиёзли ҳамда эркин савдо битимларини имзолаш бўйича аниқ чоралар кўрилаётир.

Давлатимиз раҳбари Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашга қаратилган тарихий ташаббусни илгари сурди. Бу бежиз эмас. Мавжуд транспорт коридорларини диверсификация қилиш орқали Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Трансафғон темир йўли орқали Жанубий Осиёга, “Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой” темир йўли билан Осиё — Тинч океани минтақасига ҳамда Жанубий Кавказни кесиб ўтадиган мультимодал транспорт коридори ёрдамида Европа мамлакатларига етказиш учун имкониятлар яратилади. Кўрилаётган чора-тадбирларнинг барчаси мамлакатимизнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш, бизнес муҳитини янада яхшилаш гарови ва кафолати бўлишига шубҳа йўқ.

Умуман олганда, амалга ошириладиган янгиланишлар натижасида келгуси 5 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 100 миллиард долларга, йиллик экспорт миқдорни эса 30 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 80 фоизга тенглашади.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг 2030 йилга бориб аҳолиси ўртадан юқори даромад оладиган давлатлар қаторидан жой олишида пойдевор вазифасини ўтайди. Шу билан бирга, дунёдаги бугунги мураккаб вазиятда ҳам Ўзбекистон яшаш ва ишлаш учун тинч-хавфсиз макон сифатида танилгани инвесторларнинг юртимизга бўлган қизиқишини янада оширади.

Ана шундай изчил ислоҳотларни рўёбга чиқаришда мамлакатимиз, биринчи навбатда, салоҳиятли, янгиликка интилувчан, креатив фикрловчи ва фидойи ёш кадрларга суянади. Бизда эса айнан шундай кучли ва бой захира яратиляпти ҳамда уларнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

**Саид ҒУЛОМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ёш олимлар Кенгаши раиси, юридик фанлар доктори, профессор.**

# МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ ТАҚДИМОТИ

*Юртимизнинг Жанубий Кореядаги элчихонасида Самарқанд вилояти делегацияси билан ҳамкорликда “Самарқанд — Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси” тақдимоти ўтказилди. Тадбирда Жанубий Кореянинг туризм соҳасидаги етакчи мутахассислари, маҳаллий сайёҳлик компаниялар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.*

**Биз ва жаҳон**

Тақдимотда сўз олган Самарқанд вилояти делегация аъзолари мамлакатимизда сўнгги йилларда сайёҳлик соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, Ўзбекистонга сайёҳлар оқимини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, дунёнинг аксарият давлатлари фуқаролари учун визасиз режим ҳамда қатор хорижий мамлакат паспорт эгалари учун электрон виза тизими жорий этилгани ҳақида батафсил маълумот берилди.

Самарқанд вилояти туризм салоҳияти, транспорт-логистика тизимида сайёҳлар учун яратилган имкониятлар ҳамда туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университетида яратилган шарт-шароитлар билан боғлиқ тафсилотларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида йилига 2 миллион туристга хизмат қиладиган кўп тармоқли “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм маркази барпо этилгани ва унинг таркибидаги “Боқий шаҳар” мажмуаси, Конгресс-ҳолл, 8 та замонавий беш юлдузли меҳмонхона, амфитеатр ва кўплаб бошқа объектлар қурилгани айтиб ўтилди. Самарқанд халқаро аэропорти қайта реконструкция бўлгани ва “Очиқ осмон” режими йўлга қўйилиши натижасида хориждан сайёҳлар оқимини янада оширишга замин яратилгани қайд этилди.

Ўзбекистон тарихий Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган мамлакат сифатида Жанубий Корея билан сайёҳлик алмашинувини кенгайтиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Тадбир доирасида Самарқанд туризм салоҳиятига оид корейс тилида тайёрланган видеолавҳа намойиш этилди.

Шунингдек, тақдимот доирасида Самарқанднинг гастрономик туризм салоҳияти, Шарқ ширинликлари, Самарқанд нонлари кўргазмаси ўтказилди. Кўргазмада Самарқанд оши тайёрланиб, меҳмонларга улашилди.

Жанубий Кореяда яшаётган ватандошлар томонидан тақдим этилган ўзбек миллий қўшиқ ва рақслар дастури ташриф буюрган меҳмонларда унутилмас таассурот қолдирди.

— Мазкур тақдимот Жанубий Корея фуқароларига Ўзбекистоннинг маданий-тарихий мероси, бой сайёҳлик имкониятлари, инфратузилма ва меҳмонхона хизматлари даражаси, дам олиш масканларини кўргазмали тарзда намойиш этмоқда, — деди “Headam Media” продюсерлик гуруҳи раҳбари Че Ми Рёнг. — Биз Ўзбекистонга ташриф буюриб мамлакатингизнинг сайёҳлик имкониятлари, қадимий шаҳарлари, маданий ҳамда тарихий жойлари, дам олиш масканлари, гастрономия, ҳунармандчилик анъаналари, шунингдек, сайёҳлар учун яратилган шароитлар ҳақида махсус кўрсатув тайёрлаб, Жанубий Кореянинг “KBS” ва “KBS1” телеканалларининг “Дунё бўйлаб саёҳат” теледастурларида намойш этишни режалаштиряпмиз.

Корея Республикаси Кёнгхи университети Туризм тадқиқотлар маркази профессори Канг Ток Че мазкур тадбир Жанубий Кореянинг туристик компаниялари ва жамоатчилиги вакилларига Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятлари, Самарқанднинг жаҳонга машҳур архитектура ёдгорликлари ва турфа маданияти билан танишиш имконини берганини таъкидлади.

— Ўзбекистон туризмни ривожлантириш учун улкан маданий-этнографик, шунингдек, тарихий салоҳиятга эга, — деди Канг Ток Че. — Бундай тадбирлар Ўзбекистон нуфузини янада ошириш ва Жанубий Кореядан мамлакатингизга сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилади. Жанубий Корея фуқароларининг Ўзбекистонга саёҳат қилишини кўпайтириш учун саъй-ҳаракатларни фаоллаштирамиз.

Корейс тилида намойиш этилган “Самарқанд — Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси” фильми иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Фильм орқали меҳмонлар Самарқанднинг бой тарихий, маданий ва меъморчилик мероси, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумотга эга бўлди.

— Миллий анъана ҳамда жадал тараққиётни ўзида мужассамлаган Самарқанд Ғарб ва Шарқдаги мамлакатларни боғлаб келган Буюк Ипак йўлининг маркази ҳисобланади, — деди Шинхан университети профессори Чон Ю Сон. — Ўзбекистон билан Жанубий Кореяни минг йиллик тарихий ришталар боғлаб турибди. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабзнинг кўплаб тарихий-маданий обидалари Ўзбекистоннинг жаҳон сайёҳлик бозорида катта мавқега эга эканидан далолат беради.

Мазкур тақдимот Корея Республикасининг ЮНЕСКО Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига кирган обидаларга бой бўлган Кёнджу шаҳрида ҳам ўтказилди.

Тадбирда ушбу шаҳар губернатори Чу Нак Ёнг, Кёнджу Маданият ва туризм ташкилоти раҳбари Че Ёнг Ро, Кёнджу маданий мерос бошқармаси бошлиғи И Жи Ин, Донгук университети Меҳмонхона ва туризм менежменти факультети раҳбари Ким Нам Хён ва бизнес ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.



Самарқанд вилояти делегацияси тадбир мобайнида вилоятнинг маданий-тарихий мероси, бой сайёҳлик имкониятлари, инфратузилма ва меҳмонхона хизматлари даражаси, дам олиш масканлари ҳақидаги атрофлича маълумотлар тақдим қилиниб, Корея Республикаси томони билан ўзаро манфаат касб этадиган соҳаларда ҳамкорлик масалаларини муҳокама этди.

Мулоқотлар натижасида икки давлат шаҳарлари ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик доирасида LED экранларда туризм салоҳиятига оид роликларни паритет асосида намойиш этиш ҳамда Кёнджу шаҳри кўча ва майдонларида Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш, ўзаро инвестициялар киритиш ва кадрлар тайёрлаш масалаларида ҳамкорлик, Кёнджу Маданият ва туризм ташкилоти, Донгук университети ва Кёнджу туризмни қўллаб-қувватлаш маркази вакилларининг Ўзбекистонга сафарини ташкил этиш бўйича келишиб олинди.

Сафар давомида Жанубий Корея томонидан делегация вакиллари учун Кёнджу шаҳрининг маданияти ва туристик салоҳияти тўғрисида батафсил маълумот тақдим қилиниб, шаҳарнинг тарихий ҳамда диққатга сазовор жойларида сайёҳлар учун яратилган хизмат кўрсатиш ва қулайликлар билан таништирилди.

Самарқанд вилояти делегациясининг Кёнджу шаҳрига ташрифи Жанубий Кореянинг “Hidomin news”, “Yeongnam news”, “Break news”, “Startup today”, “Seoul wire news” ва бошқа ОАВ томонидан кенг ёритилди.

**«Дунё» АА.**
Сеул

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар
ТАФСИЛОТЛАР



# ЛОГИСТИКА МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

*Она заминга бирни қадасанг, минг бўлиб қайтади, дейди доно халқимиз. Шу маънода, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани боғларида етиштирилаётган сархил мевага жаҳон бозорида талаб юқори.*

Масалан, жорий йилда Жанубий Корея, Канада, Россия ва Хитой давлатларига беш минг тонна гилос экспорт қилиш режалаштирилган.

Айни пайтда тумандаги "Gold Fresh Fruits" МЧЖга ажратиб берилган 650 гектар майдонда замонавий боғлар ташкил этилган бўлиб, уларда гилос, ўрик, шафтоли, ғайноли ва хурмо мевалари парваришланмоқда.

Куни кеча корхонадаги логистика марказининг биринчи босқичи фойдаланишга топширилиши билан имкониятлар янада кенгайди. Маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлашга мўлжалланган корхонада дастлабки босқичда 6,5 миллион АҚШ доллари қийматидаги ишлар бажарилиши билан махсус омбор, саралаш цехи ва 4 минг тонна сиғимли музлаткич фойдаланишга топширилди.

Лойиҳа ижроси натижасида жорий йилда экспорт ҳажмини 5 миллион долларга ҳамда доимий иш ўринларини 120 нафарга етказиш кўзда тутилган.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ («Халқ сўзи»).**

# ЗАМОНАВИЙ ИСТИРОҲАТ БОҒИ



*Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманида қайта реконструкция қилинган аз-Замахшарий номли истироҳат боғи фойдаланишга топширилди.*

Умумий майдони 17 гектарни ташкил этувчи боғда 8 та замонавий аттракцион ўрнатилди, сунъий кўл ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилди.

Истироҳат боғининг фойдаланишга топшириш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар қатнашиб, бу ерда дам олувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

— Боғда лойиҳаларни амалга ошириш учун асосан ташаббускор тадбиркорларнинг маблағлари йўналтирилди, — дейди Қўшкўпир тумани ҳокими ўринбосари, инвестиция ва ташқи савдо бўлими бошлиғи Зафарбек Матназаров. — Таъмирлаш жараёнида соҳадаги энг сўнгги технологиялардан фойдаланилди. Шу тариқа туман марказининг боҳаво ҳудудида барпо этилган масканда аҳоли, айниқса, ёшлар ва болаларнинг мириқиб ҳордиқ чиқариши учун қулайликлар яратилди.

**Одилбек ОДАМБОЕВ («Халқ сўзи»).**

# ОҚДАРЁЛИКЛАР УЧУН ТУҲФА




*Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад — чекка ҳудудларда ҳам халқимиз учун қулай турмуш шароитини яратишдан иборатдир.*

Самарқанд вилоятининг Оқдарё тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар, ички касалликлар ва неврология бўлимлари янги бинода иш бошлади.

Янги бинонинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилган тадбирда аҳолига ҳамда шифокорларга яратилаётган ушбу замонавий шарт-шароитлар халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ёрқин самараси эканлиги таъкидланди.

Инвестиция дастури асосида 26 миллиард сўм маблағ ҳисобига қад ростлаган 3 қаватли муҳташам иншоотда туман аҳолисига бепул тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур шароитлар муҳайё этилди.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).**

*Бугун турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқлик тобора кучайиб бораётган мураккаб даврда яшамоқдамиз. Бундай тезкор ва шиддатли замонда инсоннинг кундалик турмуш тарзини, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ахборот технологияларисиз, хусусан, глобал тармоқ — интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди.*

## Нуқтаи назар




Турли соҳа ходимларининг савиясини аниқлашда компьютер саводхонлиги кўрсаткичи аллақачон олдинги ўринга чиқиб улгурди. Халқаро ташкилотлар ҳам бирон давлатнинг нуфузини белгилашда ўша мамлакатда интернетдан фойдаланиш қай даражада оммалашгани, унинг тезлиги, киберхавфсизликнинг таъминланиши, у орқали фуқароларга кўрсатиладиган хизматлар кўлами каби омилларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шу билан бирга, асримизнинг глобал муаммолари қаторига кибержиноятчилик кириб келганига ҳам анча бўлди. Унинг бизга маълум бўлган вирусли дастурларни тарқатиш, паролларни бузиб кириш, кредит карта ва бошқа банк реквизитларидаги маблағларни ўзлаштириш, шунингдек, интернет орқали қонунга зид ахборотлар, хусусан, бўҳтон, ғоявий бузуқ маълумотларни тарқатиш билан башарият ҳаётига катта хавф солаётганидан кўз юма олмаймиз.

Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув даврида жаҳон ахборот тармоғи — интернетнинг жадал ривожланиши инсоннинг ҳаёти, касбий фаолияти, мулоқот доирасини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Виртуал олам аудиторияси нақадар кенглигини 2022 йил охирига келиб дунёда интернет фойдаланувчилари сони 5,3 миллиард кишини ёки сайёрамиз аҳолисининг учдан икки қисмини ташкил этганидан ҳам англаш мумкин.

Юртимизда 31 миллиондан зиёд аҳоли интернет хизматидан фойдаланади. Мобиль алоқа қамрови даражаси 99 фоизга, кенг полосали мобиль интернет қамрови эса 98 фоизга етказилди.

Шундай экан, бугун интернетнинг фойдали жиҳатлари ҳақида гапириш ортиқча. У орқали юртимиз ва дунёда бўлаётган янгилик ва ўзгаришлар ҳақида тезкор маълумотга эга бўлиш, самолётга чипта, ўзга қитъадаги меҳмонхонадан жой банд қилиш, хориждаги корхонадан маҳсулот сотиб олиш мумкин ва ҳоказо. Аммо халқимиз орасида тангадинг икки томони бор, деган ибора мавжуд. Яъни инсоният тафаккурининг маҳсули бўлмиш глобал тармоқ бир томондан одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилаётган бўлса, иккинчи томондан, қатор муаммоларни, таҳдидларни келтириб чиқараётгани ҳам бор гап. Бу дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда.

Ахборот ва телекоммуникация технологиялари, компьютерлар ва ижтимоий тармоқлардан ғаразли мақсадларда фойдаланадиган шахслар томонидан амалга ошириладиган қонунга хилоф ҳаракатлар кибержиноят ҳисобланади. Жаҳонда ягона глобал ахборот-телекоммуникация маконини ривожлантиришнинг юқори суръатлари қайд этилиб, жамиятда янги ижтимоий гуруҳларнинг вужудга келиши, одамларнинг тарихан шаклланган турмуш тарзига сезиларли таъсир кўрсатаётгани, шу билан бир қаторда, янги технологияларнинг жадал ривожланиши фонида улардан фойдаланиш билан режалаштирилган ва амалга оширилаётган турли кибер ҳужумларнинг фаол ўсиши кузатилаётир. Бу эса бугунги кунда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Бу йўналишда ривожланган давлатлар илмий-тадқиқот муассасаларида кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Уларнинг аксарияти катта ҳажмдаги турли ахборотларни қайта ишлашни оптималлаштириш, шу жумладан, уларнинг ишончли сақланиши ва ахборот алмашинуви иштирокчиларига тезкор киришини таъминлаш мақсадида, ягона ахборот маконини яратишга қаратилмоқда.

Ички ишлар вазирлиги Киберхавфсизлик марказининг маълум қилишича, мамлакатимизда сўнгги уч йилда кибержиноятлар сони бир неча бараварга ошган. Жумладан, кибержиноятчиликнинг бир қатор турлари содир бўлаётганлиги кузатилмоқда. Фирибгарлар пластик карта фойдаланувчиларига келган СМС-хабарномадаги кодларни тўловни амалга ошириш, ютуқни бериш каби баҳоналар орқали эгаллаб, маблағларни ўзлаштиришмоқда. Қолаверса, шахсий маълумотларни эгаллаш ва уларни ошкор қилиш билан қўрқитиб товламачилик, зўравонлик, ҳақорат ва бошқа ҳолатлар учрайди.

Хорижий давлатлар Туркия, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари тажрибаси ўрганилганда, аҳолида интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш орқали уларни эҳтимолий хавфлардан барвақт огоҳлантириш, бу — тармоқлардаги таҳдидларга қарши курашишда энг самарали усул эканлиги маълум бўлди. Шу мақсадда интернет тармоғида содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш бўйича бевосита Ички ишлар вазирлиги томонидан фуқаролар ўртасида фаол тарғибот тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

Киберхавфсизлик ҳақида сўз кетганда, банк карталари билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва аҳоли ўртасида рақамли иммунитетни шакллантириш, шунингдек, Президентимизнинг 2022 йил 3 февралдаги "Интернет тармоғида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида республикамизда кибер жиноятларга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Уларда аҳоли ўртасида банк карта бошқарувини тасдиқловчи кодни ошкор этиш орқали пул маблағлари талон-торож қилиниши, шахсий маълумотларни бегона шахсларга тақдим этиш оқибатида юзага келаётган муаммолар ҳамда глобал тармоқ орқали содир этилаётган бошқа жиноятларнинг оғир оқибатларидан хабардор қилишга қаратилган тушунтиришлар берияпти.

Кундалик ҳаётда ижтимоий тармоқлардан фойдаланар эканмиз, доим турли ахборот ва эълонлар, тарғибот хабарларига кўзимиз тушади. Улар орасида бир қарашда силлиққина, аслида асл мақсади яширин, хавфли маълумотлар ҳам борки, уларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш зарур. Масалан, банк пластик карта рақами, шахсий маълумот ва кодларни турли йўллар билан олиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани сир эмас.

Чиндан-да, бугун рақамли маълумотлар хавфсизлиги билан боғлиқ хавфлар ортиб бораётир. Давлат ва жамият манфаатлари ҳамда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига таҳдид солиш каби муаммолар, кибертаҳдидлар юзага келмоқда. Турли акция ва ўйинлар воситасида инсонларнинг банк пластик карта рақамлари қўлга киритилиб, ҳисобидаги пуллар осонгина ечиб олиняпти. Шунинг учун ҳам эҳтимоли юқори бўлган кибертаҳдидлар, зарарли ҳавола ва дастурлар хавфи, шахсий маълумотларни ошкор қилмаслик, хизмат фаолияти билан боғлиқ маълумотлар билан ишлашда ахборот хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш ва маълумотлар базаларининг захира нусхаларини яратиш мақсадга мувофиқ.

Аммо шунга қарамай, ижтимоий тармоқлардаги киберҳужумлар тобора кенг тус олаётгани ҳам айни ҳақиқат. Масалан, "Facebook" орқали "бахт хати" сизга ҳам келганми? Ёки ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш давомида кутилмаганда сизга узоқ қариндошингиздан катта мерос қолгани ҳақидаги хабарга дуч келмаганмисиз? Гап шундаки, фирибгарлар бир вақтнинг ўзида бир қанча электрон почта манзилларига бир хил — "Сиз меросхўрсиз" мазмунидаги "спам" мактублар йўллашади. Уларга жавоб қайтарган одамлар билан онлайн мулоқотга киришишади ва гўёки ўзларини марҳумнинг юристи сифатида таништириб, унга катта мерос қолганлиги ҳақида лоф уришади. Бундай хатларга лаққа тушган ёки хорижий давлатда қариндоши борйўқлигию бу хабар қанчалик ҳақиқатга тўғри келишини мантиқан ўйлаб кўрмаган "меросхўр" сохта юрист ваъда қилаётган катта миқдордаги бойликни қўлга киритиш ҳақида ўйлай бошлайди.

Қарабсизки, "кутилмаган бойлик"ни тезроқ қўлга киритиш илинжида бўлган фуқаро онлайн фирибгарларнинг тузоғига илиниб турибди. Тузоқ эгалари эса "меросхўр"га тегишли маълумотларни расмийлаштириш ишларига зарурлигини айтиб, ҳар гал турли суммадаги маблағларни қўлга киритиб боради. Яна бир усул, сохта ҳарбий хизматчи сиз билан Инстаграм ёки "Facebook" ижтимоий тармоғи орқали мулоқотга киришиб, шунчаки дўстлашади. Суҳбатлар самимий тус ола бошлагач, яъни тузоққа илинишга тайёр эканлигингизни сезган "офицер" ўз ниятини амалга оширишга киришади. Яъни у турли вилоятларда ҳарбий хизматда бўлгани, бу жараёнда оз-оздан бойлик тўплагани, ушбу бойликни сизга қолдирмоқчилиги, хизмат муддати тугаса, биргаликда тижорат ишларини бошлаши мумкинлигини таклиф қила бошлайди.

Хуллас, фирибгарлар бирданига руҳий тазйиқ қилмайди, қўрқитмайди, шунчаки ўзини сизни олдиндан танийдигандек кўрсатиб, исмингиз билан мурожаат қилади, "фойдали" таклифлар билдира бошлайди. Улар жавоб қайтариб, мулоқотга киришган содда фуқаролар билан астойдил шуғулланишади. Шу тариқа фуқаро токи, ўзининг алданаётганлигини билиб қолмагунича, жозибадор таклифларга ишониб, бор топганини интернет орқали фирибгарларга узатаверади...

Маълумотларга кўра, бугунги кунда шу каби алдовларга учиб, бор маблағидан айрилиб қолаётганлар Ўзбекистон фуқаролари орасида ҳам учрайди. Қизиғи, фирибгарлар билан мулоқот давомида содда фуқаролар зарур маълумотларни ўзлари "қўшқўллаб тутқазишади" ва охироқибат катта миқдордаги маблағни бой бериб, чорасиз қолишади. Ачинарлиси, бу тоифа фирибгарларни қўлга олиш ва жазолашнинг имкони йўқ, сабаби, улар олис хорижий давлатлардан туриб ана шундай ишларни амалга оширишади. Шундай экан, текин бойлик ваъда қилаётганларни ижтимоий тармоқлар орқали блоклаш, улар билан мулоқотга киришмаслик мақсадга мувофиқ.

Бугун киберҳужумлардан ҳеч ким кафолатланмаган. Мутахассисларнинг фикрича, интернет олами борган сари хавфли ҳудудга айланиб бормоқда. Масалан, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия, Бельгия каби ривожланган давлатларда жиноятларнинг 60 — 65 фоизи киберҳужумлар орқали содир этилади. Таҳлилларга кўра, дунё бўйлаб ҳар йили 500 миллиондан кўп киберҳужумлар уюштирилади. Ҳар куни 1,6 миллиондан ортиқ кишилар, ҳар сонияда 12 нафардан бири кибермаконда содир этилган ҳужумлар қурбонига айланади.

Халқаро экспертларнинг ҳисобкитобига кўра, дунёда киберҳужумлар сони йил сайин ортиб боришда давом этади ва 2025 йилда киберҳужумлардан кўрилган зарар миқдори 10,5 триллион долларга етиши мумкин. Демак, виртуал оламдаги жиноятларнинг зарари ва хавфи реал оламдаги таҳдиддан ошиб бораётган айни пайтда дунёдаги барча давлатлар учун кибермаконда содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш, киберхавфсизликни таъминлаш долзарб масала ҳисобланади.



Негаки, бу жиноят чегара билмайди. Йирик компанияларнинг, корхона ва ташкилотларнинг ҳимоя тизимини бузиб кириб маълумотларни ўғрилаш, ўзгалар картасидаги маблағларни ўзлаштириш, электрон почта орқали зарарли вирусларни тарқатиш, фуқароларни онлайн-қиморга жалб этиш, молиявий фирибгарлик ва бошқа жиноятлар тобора авж олаётгани бундай дейишимизга асос бўлади.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида қайд этилган 89-мақсад бўйича шахсий ва сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни интернет тармоғида ошкор қилишнинг олдини олиш учун Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларнинг шахс дахлсизлик ҳуқуқлари билан боғлиқ моддаларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш назарда тутилган. Шунингдек, кибержиноятчилик учун жиноий жавобгарлик қайта кўриб чиқилиши, ахборот майдонидаги киберҳужум ва таҳдидларни мониторинг қилиш тизими янада такомиллаштирилиши белгиланган. Бунда киберхавфсизликнинг Ягона тармоғининг техник инфратузилмасини кенгайтириш; "Кибернетикада инновациялар IT-парки" фаолиятини янада жадаллаштириш; IT-паркнинг ҳудудлардаги рақамли технологиялар ўқув марказлари негизида ёшларни киберхавфсизлик асослари бўйича ўқитилишини таъминлаш ҳамда ҳар йили талаба ва ўқувчилар орасида киберҳужумларни аниқлаш бўйича республика миқёсида танловлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Миллий ижтимоий тармоқ ва мессенжерлар ҳамда ахборот-коммуникацион дастурлар яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 15 апрелда "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги Қонун имзоланди. Қонунда соҳадаги асосий тушунчаларга таъриф берилган. Киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, соҳадаги ваколатли давлат органи, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича талаблар белгилаб берилди.

Бугун биз юксак технологиялар замонида яшаётганимиз билан фахрланар эканмиз, айни чоғда киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида ёшларнинг интернетдан фойдаланиш маданиятини ошириш зарурлигини унутмаслигимиз даркор. Соҳа мутахассисларининг таърифича, "Интернет маданияти" (инг. Internet-culture) — бу интернетдан фойдаланувчиларнинг мулоқот, ахборот олиш ва узатиш маданиятидир. Интернет маданияти деганда, ижтимоий онгга салбий таъсир этувчи сайтлардан фойдаланишнинг онгли равишда чекланилиши ҳам тушунилади.

Шундай экан, замонавий ахборот технологиялари, хусусан, интернетдан фойдаланганда, унинг салбий таъсири мавжудлигини ҳар доим ёдда тутмоқ даркор. Ҳушёр бўлинг, ёзишдан олдин ўйланг: интернетни бошқармасангиз, у сизни бошқаради!

**Нурбек НАСРУЛЛАЕВ,**
**Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Нурафшон филиали директори, PhD, доцент.**

# ИЖОДИ — ТИНИҚ ЧАШМА

*Мустақил Ўзбекистон дунё тамаддунига ўзининг тамал тошини қўйган илк паллада миллат маънавиятининг дарғалари ҳисобланган зиёлилар номи оқланган эди. Бугун буюкларга эҳтиром тимсоли сифатида Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Адиблар хиёбони сўзимнинг исботи, десам, муболаға бўлмайди. Негаки, адибларимизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга қаратилган бу ундов бизнинг таълим даргоҳимизда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотган эмас.*

## Фикр

Бугунги кунда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Муқимий издошларини тайёрлаш, муқимийшуносликни кенг тарғиб қилиш борасида кўплаб тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам равишда олиб борилаётир. Чунки унинг ижод маҳсулида иқтисодий қарашлар ҳам алоҳида ўрин олган. Шоир қаламига мансуб "Масковчи бой таърифида", "Танобчилар" ҳамда "Саёҳатнома" асарлари шулар жумласидан. Университет биносида шоир яшаган даврга алоқадор элликка яқин экспонатларни ўз ичига олган Муқимий музейи ташкил этилган бўлиб, замонавий технологиялар асосида адиб яшаган давр харитаси яратилган.

Мазкур музейда шоирнинг кўплаб қўлёзмалари, асарларидан намуналар, Муқимий ҳаётидан сўзлайдиган инновацион хаританинг мавжудлиги барча ташриф буюрувчиларда бирдек катта таассурот қолдирмоқда. Иқтидорли талабалар томонидан нашр қилиниб келинаётган илмий мақолалар, рисолалар кўлами кун сайин ортиб бораётгани ҳам алоҳида эътиборга моликдир.



Яна бир қувонарли жиҳати шундаки, университетимизда Муҳаммад Аминхўжа Муқимий кўкрак нишони ҳамда махсус стипендияси таъсис этилган бўлиб, унинг лауреатлари сони кундан-кунга ортиб бормоқда. 2022/2023 ўқув йили мобайнида Муқимий ҳаётини ўрганиш ва ўргатиш юзасидан бадиий кечалар, давра суҳбатлари, шунингдек, "Муқимийшунослик ойлиги" доирасида мактабларда, Муқимий номли маҳаллага ташриф буюрган ҳолда катта аудиторияни ўзида мужассам этган бадиий тадбирлар ташкил этилди.

Муқимий бизга бой ижодий мерос қолдирди. Унинг ижоди — тиниқ чашма. Шоир ижодининг ўрганилиши илм аҳлини эзгуликка, комилликка бошлайди, ҳаётдаги камчиликлар, нохуш иллатларни йўқотишга чорлайди. Бугун шоир Муқимий Ватан ва миллат истиқболини тараннум қилувчи асарлари билан ўзининг иккинчи умрини яшамоқда. Уни асраб-авайлаш, тадқиқ қилиш ва келгуси авлодга етказиш бизнинг бурчимиздир.

**Феруз ҲАКИМОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси,**
**Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги «Ёшлар академияси» аъзоси.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 541. 17 714 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Б. Мадиёров.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.35 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6